

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ НОМИДАН Ҳ У К М

2021 йил 6 декабрь

Янгийўл шаҳри

Жиноят ишлари бўйича Янгийўл шаҳар суди, ўзининг биносида, судья
Ф.Ишанходжаевнинг раислигида,
судья ёрдамчиси Д.Пайзимухамедованинг котибалигида,
давлат айбловчиси - Янгийўл шаҳар прокурорининг катта ёрдамчиси
Н.Каландарова,

жабрланувчи М.Тўракелдиев ва Г.Рустамов,
судланувчи Э.Ғуломов ва унинг ҳимоячиси – “AL-QAYUM”
адвокатлик фирмаси адвокати Х.Салихованинг иштирокида,

**Ўзбекистон Республикаси ЖК 168-моддаси 3-қисми “б” бандида
назарда тутилган жиноятни содир этишда айбланувчи –**

15.08.1991 йил Тошкент вилоятида туғилган, Ўзбекистон Республикаси
фуқароси, миллати ўзбек, ўрта маълумотли, бўйдоқ, вақтинча ишсиз,
муқаддам судланмаган, 21.09.2021 йилдан қамоқда сақланаётган,
қамоққа олингунча Тошкент вилояти Янгийўл тумани “Юксалиш”
м.ф.й. Нафосат кўчаси 5-уйда яшаган, айблов хулосаси нусхасини
30.10.2021 йил олган Ғуломов Элмурод Сайдахмат ўғлига

нисбатан 1-1119-2102/200-сонли жиноят ишини очиқ суд мажлисида кўриб
чиқиб, қуйидагиларни

АНИҚЛАДИ:

Судланувчи Э.Ғуломов 2021 йил апрель ойи ўрталарида жабрланувчи
М.Тўракелдиевнинг 21.000.000 сўмга баҳоланган бир бош қора молини
пулини бир ҳафта ичида бериш шарти билан алдаб олиб, ушбу қора молни
сўйиб сотиб, кейинчалик 10000000 сўмни қайтариб, қолган 11000000 сўм
қийматдаги мулкни фирибгалик йўли билан қўлга киритган.

Судланувчи Э.Ғуломов ўзининг жиноий фаолиятини давом эттириб,
2021 йил апрель ойи иккинчи ярмида жабрланувчи И.Тапиловнинг
10.550.000 сўмга сўмга баҳоланган бир бош қора молини пулини уч кун
ичида бериш шарти билан алдаб олиб, ушбу қора молни сўйиб сотиб,
кейинчалик 8400000 сўмни қайтариб, қолган 2150000 сўм қийматдаги
мулкни такроран фирибгалик йўли билан қўлга киритган.

Судланувчи Э.Ғуломов ўзининг жиноий фаолиятини давом эттириб,
2021 йил 24 апрель куни жабрланувчи Г.Рустамовнинг 25.000.000 сўмга
баҳоланган етти бош қўйларини пулини бир ҳафта ичида бериш шарти билан
алдаб олиб, ушбу қўйларни сўйиб сотиб, лекин ваъдасини амалга оширмай,
25.000.000 қийматдаги мулкни такроран фирибгалик йўли билан қўлга
киритган.



Судланувчи томонидан етказилган жами 56550000 сўмли мулкый зарарнинг 12150000 сўми қопланган.

Суд жиноят иши материалларини ўрганиб чиқиб, суд муҳокамасида бевосита текширилган далилларни таҳлил қилиб, судланувчининг айби қуйидаги далиллар йиғиндиси билан исботлангани ҳақида хулосага келади.

Судланувчи Э.Ғуломов суд мажлисида айбига тўлиқ иқрор бўлиб, бир неча йиллардан буён қассобчилик билан шуғулланиб келишини, 2021 йил тахминан апрель ойларида М.Тўрақелдиевнинг бир бош қора молини 21.000.000 сўмга баҳолаб, пулларни бир ҳафтада бериш шарти билан сўйиб олишга келишганлигини, молни сўйиб, шу куни М.Тўрақелдиевга 8.000.000 сўм, кейинчалик 2.000.000 сўм миқдоридаги пулларни берганлигини, бундан ташқари 2021 йил тахминан апрель ойларида И.Тапиловнинг бир бош қора молини жами 10.550.000 сўмга баҳолаб, келишилган пулни уч кун муддатда олиб келиб бериш шарти билан унга тегишли бўлган бир бош қора молини олиб кетганлигини, Янгийўл туман ҳудудида жойлашган кушхонада молни сўйиб олганлигини, эртаси куни И.Топиловга 8.400.000 сўм миқдоридаги пулларни берганлигини, бундан ташқари 2021 йил апрель ойида Г.Рустамовнинг етти бош қўйларни 25.000.000 сўмга баҳолаб, пулини кейин бериш шарти билан олиб кетганини, уйига олиб келиб сўйиб, сотиб юборганини ва унга пулини қайтариб бера олмаганини, сотувдан тушган барча пулларни ўзининг 2018 йилги қарзларини тўлаш учун сарфлаганини, ҳозирги вақтда мулкый зарарни тўлиқ қоплашга имконияти йўқлигини, қилган ишидан чин кўнгилдан пушаймонлигини аён қилди.

Жабрланувчи М.Тўрақелдиев суд мажлисида бир неча йиллардан буён кўшимча даромад олиш мақсадида чорвачилик билан шуғулланиб келишини, Ғуломов Элмуродни тахминан бир йилдан буён танишлигини, у 2021 йил апрель ойида бир бош қора молини 21.000.000 сўмга баҳолаб, келишилган пулларни бир ҳафтада бериш шарти билан олиб кетганлигини, кейинчалик судланувчи унга жами 10.000.000 сўм миқдоридаги пулларни қайтарганини, кейин эса турли бахоналар билан алдаб келганлигини баён қилиб, судланувчидан 11000000 сўм миқдоридаги зарарни ундириб беришни сўради.

Жабрланувчи Г.Рустамов суд мажлисида 2021 йил тахминан апрель ойларида Ғуломов Элмурод ундан етти бош қўйини 25.000.000 сўмга баҳолаб, келишилган пулларни бир ҳафтада бериш шарти билан олиб кетганлигини, кейин эса турли бахоналар билан алдаб келганлигини ва пулини қайтармаганини баён қилиб, судланувчидан 25.000.000 сўм миқдоридаги зарарни ундириб беришни сўради.

Жабрланувчи И.Тапилов дастлабки терговда берган ва судга келмагани сабабли Ўзбекистон Республикаси ЖПК 104-моддаси 3-бандига асосан тарафларнинг розилиги билан суд мажлисида ўқиб эшиттирилган ўзининг кўрсатувларида 2021 йил тахминан апрель ойларида Ғуломов Элмурод ундан бир бош қора молини 10.550.000 сўмга баҳолаб, келишилган пулларни уч кунда бериш шарти билан олиб кетганлигини, кейинчалик судланувчи жами 8.400.000 сўм миқдоридаги пулларни қайтарганини, кейин турли бахоналар



билан алдаб келганлигини баён қилиб, судланувчидан 2.150.000 сўм миқдоридаги зарарни ундириб беришни сўради.

Гувоҳ М.Акбарова суд мажлисида Рустамов Гулям унинг қўшниси бўлишини, улар 15 йилдан буён қўшни бўлиб яшаб келишини, Гулям бир неча йиллардан буён қўшимча даромад топиш мақсадида чорвачилик билан шуғулланиб юришидан хабари борлигини, 2021 йил 24 апрель куни кеч соат 19:30лар атрофида Гулям уч нафар шахс билан бирга кўчада уйининг олдида гаплашиб турганини кўрганлигини, улардан бири судланувчи бўлганини, улар бир бош қўйни олиб чиқиб ўша ерда турган автомашинага жойлаштирганини кўрганлигини, эртаси куни Гулям унга қассобчилик билан шуғулланувчи шахсга етти бош қўйларини сотганини гапириб берганини баён қилди.

Гувоҳ Р.Бўтабаева (жабрланувчи Р.Гулямовнинг қўшниси) суд мажлисида аналогик кўрсатувлар берди.

Гувоҳ К.Мирзаев суд мажлисида судланувчи Э.Ғуломов унинг қариндоши бўлишини, у “ВАЗ 21011” русумли автомашинани икки йил муддатга пулини бўлиб-бўлиб тўлаш шarti билан ижарга олганини, 2021 йил апрель ойида Э.Ғуловнинг илтимосига кўра автомашинасида жабрланувчи Г.Рустамовнинг уйига боришганини, бир бош қўйни олиб чиқиб, автомашинага жойлаштириб, Элмуродни гўшт дўконига олиб бориб қўйганлигини, кейин у қўйни нима қилганидан хабари йўқлигини, биаён қилди.

Булардан ташқари, суд Э.Ғуломовнинг айби суд муҳокамасида текширилган қуйидаги ёзма далиллар билан ҳам исботланган деб ҳисоблайди:

-суд мажлисига келмаган гувоҳ Ш.Мирзаевнинг дастлабки тергов жараёнида берган, Ўзбекистон Республикаси ЖПК 104-моддаси 3-бандига асосан суд мажлисида тарафларнинг розилиги билан ўқиб эшиттирилган кўрсатувлари;

-жабрланувчи Г.Рустамов тақдим этган жиноят предмети фотосуратлари;

-юзлаштириш баённомалари;

-терговга қадар текширув материаллари.

Ўзбекистон Республикаси ЖПК 95-моддаси талабига мувофиқ, суд жиноят иши бўйича тўпланган ҳар бир далилни ишга алоқадорлиги, мақбуллиги ва ишончилиги нуқтаи назаридан баҳолайди ҳамда уларнинг йиғиндисини ҳукмнинг тавсиф қисмида баён қилинган жиноятни содир этишда судланувчини айбли деб топиш учун етарли деб ҳисоблайди.

Юқорида баён қилинган барча далиллар жиноят-процессуал қонун талабларига мувофиқ олинган бўлиб, суд уларни ишга алоқадор, мақбул ва ишончли деб баҳолайди.

Жабрланувчи ва гувоҳларнинг кўрсатувлари суд томонидан аниқланган ишнинг ҳақиқий ҳолатларини тўлиқ тасдиқлайди. Бу кўрсатувлар ўзаро мувофиқ келиши, бири-бирини тўлдириши, айблилик масаласига таъсир



қиладиган жиддий зиддиятлардан иборат эмаслиги сабабли суд уларни ҳаққонийлигини шубҳа остига олмайди ва ишончга сазовор деб топади.

Суд Э.Ғуломовнинг қилмишини фирибгарлик, яъни алдаш ва ишончни суиистеъмол қилиш йули билан ўзганинг мулкани такроран қўлга киритиш сифатида Ўзбекистон Республикаси ЖК 168-моддаси 3-қисми “б” банди билан квалификация қилади.

Жазо тайинлашда суд Ўзбекистон Республикаси ЖК 7, 8, 42 ва 54-моддаларига риоя қилиб, содир этилган жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасини, қилмишнинг сабабини, судланувчининг шахсини, ҳамда жазони енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларни ҳисобга олади.

Суд Э.Ғуломовнинг айбига тўлиқ иқрорлигини, чин кўнгилдан пушаймонлигини, муқаддам судланмаганини ва хали оила қурмаганини Ўзбекистон Республикаси ЖК 55-моддасига мувофиқ жазони енгиллаштирувчи ҳолатлар деб, жиноят ғаразли ниятларда содир этилганини Ўзбекистон Республикаси ЖК 56-моддасига кўра жазони оғирлаштирувчи ҳолат деб топади.

Жумладан, судланувчи жабрланувчиларга етказилган мулкий зарарнинг аксарият қисмини ихтиёрий равишда қопламаганини, унинг шахсини ва айб даражасини, содир этилган жиноятлар сонини, улар ғаразли ниятларда содир этилганини ва ишнинг ҳақиқий ҳолатларини ҳисобга олиб, суд Э.Ғуломовни фақат жамиятдан ажратган ҳолда Ўзбекистон Республикаси ЖК 42-моддасида белгиланган жазо мақсадларига эришиш, яъни ахлоқан тузатиш, жинойий фаолиятини давом эттиришига тўсқинлик қилиш ва янги жиноят содир этишини олдини олиш мумкинлиги ҳақида хулосага келади ҳамда унга озодликдан маҳрум қилиш жазосини тайинлайди.

Бироқ, суд юқорида баён қилинган жазони енгиллаштирувчи ҳолатлар мажмуини жиноятнинг ижтимоий хавфлилик даражасини жиддий камайтирувчи ҳолатлар деб топиб, Э.Ғуломовга нисбатан ЖК 57-моддасини қўллаб, мазкур жазони модда санкциясида назарда тутилган энг кам қисмидан ҳам камроқ муддатда белгилайди.

Мазкур жазо тури ва меъёрини суд адолатли, судланувчининг шахси, у содир этган жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасига мувофиқ деб ҳисоблайди.

Ўзбекистон Республикаси ЖК 50-моддаси 7-қисми “б” бандига мувофиқ, суд жазони умумий тартибли колонияларда ўташни белгилайди.

Э.Ғуломов ўзининг мансаби ёки иш фаолияти билан бевосита боғлиқ бўлмаган жиноятларни содир этгани сабабли суд Ўзбекистон Республикаси ЖК 168-моддаси 3-қисми санкциясида назарда тутилган муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш жазосини ЖК 57-моддасини қўллаган ҳолда тайинламайди.

Баён қилинганларга асосан, Ўзбекистон Республикаси ЖПК 454-457, 462, 463, 465-468, 471-473-моддаларига амал қилиб, суд

ҲУКМ ҚИЛДИ:



Ғуломов Элмурод Сайдахмат ўғли Ўзбекистон Республикаси ЖК 168-моддаси 3-қисми “б” бандида назарда тутилган жиноятни содир этишда айбли деб топилсин ва унга ЖК 57-моддасини қўллаб, 4 (тўрт) йил муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинлансин.

Жазо умумий тартибли колонияларда ўталсин.

Жазони ўташ муддати 2021 йил 21 сентябрдан ҳисоблансин.

Қамокқа олиш туридаги эҳтиёт чораси ўзгаришсиз қолдирилсин.

Жиноят натижасида етказилган мулкий зарарни қоплаш учун Ғуломов Элмурод Сайдахмат ўғлидан жабрланувчилар:

-Тўрақелдиев Мансур Махамаджонович фойдасига 11000000 (*ўн бир миллион*) сўм;

-Тапилов Илхом Нармирзаевич фойдасига 2150000 (*икки миллион бир юз эллик минг*) сўм;

-Рустамов Гулям Мухторжонович фойдасига 25000000 (*йигирма беш миллион*) сўм ундирилсин.

Ҳукм устидан, у эълон қилинган кундан бошлаб йигирма сутка ичида, маҳкум ва жабрланувчилар томонидан эса уларга ҳукмнинг кўчирма нусхаси топширилган кундан эътиборан шу муддат ичида Тошкент вилояти судининг жиноят ишлари бўйича судлов хайъатига апелляция шикояти ва протести берилиши мумкин.

Раислик қилувчи

Ф.Ишанходжаев

Аслига тўғри:

Маъсул судья: Ишанходжаев Фазлиддин Кутбиддинович

